

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси УК
Сирдарё вилояти ҳудудий
бошқармаси бошлиғи
Ш.Абдурасулов**



_____ 2022 йил

**Мирзаобод тумани кичиик саонат зонасини оқова сув тизимига улаш
объектини лойиха смета-ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
лойиха смета ҳужжатларини ишлаш чиқиш бўйича
етказиб берувчи томонидан талаб этиладиган хизматлар ва ҳужжатлар рўйхати**

(энг яхши таклифларни танлаш (тендер) лар 22.04.2021 йилдаи 684-сонли “Давлат харидлари” тугрисидаги Конун асосида утказилади ва энг яхши таклифларни танлаш (тендер) ҳужжатлари ушбу конуннинг 7 -бобида белгиланган талаблар буйича кабул килинади)

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Гулистон-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Энг яхши таклифларни танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Энг яхши таклифларни танлаш предмети
Мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг вазибалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазибалари
Қатнашчига энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Энг яхши таклифларни танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари

Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг таркиби
Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш
Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

B. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини тайёрланиши

Энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш харажатлари
Энг яхши таклифларни танлашда қўлланиладиган тил
Энг яхши таклифларни танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Энг яхши таклифларни танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

G. Энг яхши таклифларни танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш
Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати
Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг очилиши

D. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети

Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Энг яхши таклифларни танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари куйидагилар:

Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, Ховос туманидаги "Қахрамон" МФЙ ичимлик сув тармоқларини куриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиха смета хужжатларини ишлаш чиқиш етказиб бериш бўйича энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш кўзда тутилган.

Хизматларнинг максимал нархи: 210 000 000 сўм.

Энг яхши таклифларни танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан.

Ишлар энг яхши таклифларни танлаш хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 15 кун.

2. Мазкур энг яхши таклифларни танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Мирзаобод тумани кичиик саонат зонасини оқова сув тизимига улаш объектини лойиха смета-хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиха смета хужжатларини ишлаш чиқиш етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Энг яхши таклифларни танлаш (кейинги ўринларда – Энг яхши таклифларни танлаш) ўтказишдан мақсад – мазкур Энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Сирдарё вилояти худудий бошқармаси;

Манзили: 100120, Гулистон шаҳар Навбахор МФЙ Фирдавсий кўчаси 70 уй Мўлжал Сирдарё вилоят сув таъминоти МЧЖ (вилоят сув оқова)

Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича мутахассис етакчи мутахассис С.Турсунов ;

Тел.: (67) 225-63-63

3. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг вазифалари:

-энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлашни ўтказди;

-энг яхши таклифларни танлаш талабгорларига тааллуқли барча хужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-энг яхши таклифларни танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва хоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун хужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Энг яхши таклифларни танлашнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
 - энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.xarid.uzex.uz (etender.uzex.uz) порталида эълон беради;
- энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг вазифалари:

- қатнашчиларнинг энг яхши таклифларни танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганати, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

- энг яхши энг яхши таклифларни танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, энг яхши таклифларни танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тайёрлайди ва энг яхши таклифларни танлаш комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиларини малакали энг яхши таклифларни танлаши Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида маълумотнома;

- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган энг яхши таклифларни танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва энг яхши таклифларни танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали энг яхши таклифларни танлашдан ўтган қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертни **йўлланма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб,

қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- энг яхши таклифларни танлаш таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Энг яхши таклифларни танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича энг яхши таклифларни танлашда энг паст нарх таклиф қилган энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи – энг яхши таклифларни танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Энг яхши таклифларни танлашга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқдорнинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки хариддорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Энг яхши таклифларни танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда энг яхши таклифларни танлаш тартиб-қоида-сига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси унга берилган энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб

қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун энг яхши таклифларни танлаш комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин.

8.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда энг яхши таклифларни танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш харажатлари

10.1. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш ва энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх энг яхши таклифларни танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Энг яхши таклифларни танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи энг яхши таклифларни танлаш таклифлари исталган босқичда, энг яхши таклифларни танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Энг яхши таклифларни танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Энг яхши таклифларни танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва энг яхши таклифларни танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – махсулотни етказиб бериш жадвали, энг яхши таклифларни танлаш таклифлари, махсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси лозим бўлганда Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиларидан тақдим этилган Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш таклифини қатъий равишда мазкур энг яхши таклифларни танлаш хужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган махсулот (хизмат) учун нарх таклифини энг яхши таклифларни танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган махсулот (хизмат) кўринишида берилган энг яхши таклифларни танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

16.1. Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси энг яхши таклифларни танлаш таклифларини мазкур энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг энг яхши таклифларни танлаш таклифи, энг яхши таклифларни танлаш очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг энг яхши таклифларни танлаш таклифлари dxarid.uzex.uz

harid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан энг яхши таклифларни танлаш комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қадар энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси томонидан энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг очилиши

18.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан ____ кундан кўп бўлмаган муддатда энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин энг яхши таклифларни танлаш қатнашчилари энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада энг яхши таклифларни танлаш қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва энг яхши таклифларни танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Д. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;

- тижорат.

19.2.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш вақтида Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисидан унинг энг яхши таклифларни танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида

ўтказиш мақсадида уларнинг энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган энг яхши таклифларни танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати ____ кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Яқун чиқариш ва энг яхши таклифларни танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай энг яхши таклифларни танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва энг яхши таклифларни танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчиси энг яхши таклифларни танлаш ғолибига энг яхши таклифларни танлаш яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва яқунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.xarid.uzex.uz, etender.uzex.uz махсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда энг яхши таклифларни танлаш комиссияси:

қатнашчига энг яхши таклифларни танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган яқуний нарх ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг энг яхши таклифларни танлаш таклифи энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Энг яхши таклифларни танлаш куйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охириг муқддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча энг яхши таклифларни танлаш таклифлари энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча энг яхши таклифларни танлаш таклифларида энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Энг яхши таклифларни танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкый ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Энг яхши таклифларни танлаш

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва энг яхши таклифларни танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома энг яхши таклифларни танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.xagid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи энг яхши таклифларни танлаш комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини энг яхши таклифларни танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий энг яхши таклифларни танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

22.3. Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

II БОБ. Энг яхши таклифларни танлаш таклиф шакллари

№ _____-лот

Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисининг ташкилий тузилмаси

Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ЭНГ ЯХШИ
ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН
ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ _____ -лот

(Қатнашчининг фирма бланкасида)

№ _____ ва _____ сана

Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Энг яхши таклифларни танлаш савдолари иштирокчисининг номи:

Манзили ва телефон рақами: _____

Факс: _____

Юридик ақоми: _____

Ташкил этилган жойи ва санаси: _____

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: _____

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: _____

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): _____

Камида _____ йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар: _____

Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси,
жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, худудий бўлинмалари, ишлаб
чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];

- омборхона жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------------	-----------------------

Қатнашчи номи: **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**

Таклифга имзо чекувчи лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини
кўрсатинг]**

Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлик номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ЭНГ ЯХШИ
ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН
ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

3-шакл

№ _____-лот

Маҳсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: _____

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топширик талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Энг яхши таклифларни танлаш ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлик номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлик номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

**III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА
НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи Мирзаобод тумани кичиик саонат зонасини оқова сув тизимига улаш объектини лойиха смета-хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бўйича лойиха смета хужжатларини ишлаш чиқиш

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб _____ кун ичида.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси МАХАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилот Мирзаобод тумани кичиик саонат зонасини оқова сув тизимига улаш объектини лойиха смета-хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиха смета хужжатларини ишлаш чиқиш бўйича етказиб берувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

т. Иш куни навбатчилик асосида ҳар кун ҳисобланади.

1-жадвал

Мирзаобод тумани кичиик саонат зонасини оқова сув тизимига улаш объектини лойиха смета-хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиха смета хужжатларини ишлаш чиқиш бўйича талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Хизматлар номи	Ўчлов бирлиги	Сони
1	Ер ажартиш бўйича тегишли ташкилотлардан қарорлар олиш	хизмат	1
2	Лойиха қидурув ишларини бажариш (геология, топосиёмка хулосалари)	хизмат	1
3	Архитектура режалаштириш топшириқномаси	хизмат	1
4	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чишиш	хизмат	3
5	Ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини бўйича экспертиза хулосаларини олиш	хизмат	1
6	Қурилиш ишларини олиб бориш учун тегишли ташкилотлардан техник шартлар олиш (Давлат хизматлари агентлигидан)	хизмат	1

IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Мирзаобод тумани кичиик саонат зонасини оқова сув тизимига улаш объектини лойиха смета-хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиха смета хужжатларини ишлаш чиқиш бўйича талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Хизматлар номи	Ўчлов бирлиги	Сони
1	Ер ажартиш бўйича тегишли ташкилотлардан қарорлар олиш	хизмат	1
2	Лойиха қидурув ишларини бажариш (геология, топосиёмка хулосалари)	хизмат	1
3	Архитектура режалаштириш топшириқномаси олиш	хизмат	1
4	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чишиш	хизмат	3
5	Ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини бўйича экспертиза хулосаларини олиш	хизмат	1
6	Қурилиш ишларини олиб бориш учун тегишли ташкилотлардан техник шартлар олиш (Давлат хизматлари агентлигидан)	хизмат	1

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан энг яхши таклифларни танлаш, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар кўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган энг яхши таклифларни танлаш таклифлари энг яхши таклифларни танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Энг яхши таклифларни танлаш валютаси

2.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати _____ 2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва _____ 2021 йилгача давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК УК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил харажатлар сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

**Лойиха ташкилотларини аниқлаш бўйича тендер иштирокчиларининг малакаси .
Иштирокчиларнинг малакаси унинг таклифида келтирилган тулдирилган шаклларни ва уларга
бириктирилган тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш асосида амалга оширилади.**

№	параметрининг номи.	Мувофиқлик талаблари	Иштирокчи			
I. Танлов қатнашчининг ташкилий шакли. 1-шакл.						
1.	Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисининг ташкилий тузилмаси	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
II. Танлов қатнашчи тўғрисида умумий маълумот 2 Шакл						
1.	Бажарилган шартнома шартлари тўғрисида маълумотлар «01» январ 2022 йил	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
III. II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 3-шакл						
1.	Ташкилий тузилма	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
2.	Ўз ишлаб чиқариш базаси мавжудлиги (-офис борлиги камида 1 ва ундан ортиқ) (-омбори)	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
	Лойиха ишларини амалга ошириш бўйича лицензияга эгаллиги	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
	Қидирув ишларини олиб боришга лицензияга эгаллиги ёки қидирув ишларини олиб бориш учун шартномаси мавжудлиги	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
	Соҳа бўйича олий маълумотга эга ҳамда раҳбарлик лавозимидаги иш тажрибаси 3 йилдан кам бўлмаган 2 та раҳбар ходимлар борлиги	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
3.	Соҳада иш тажрибаси 3 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга лойихачи-муҳандислар ва иш бажарувчилар, яъни: (ГИП), (ГАП), лойихачи-муҳандис ва конструкторлар (АС,КМ,КЖ,ОВИК,ЭТО,ТБ ва ПБ булимлар бўй.), Коммуникация муҳандислиги бўйича мутахассис, Ижтимоий ва экологик мувофиқлик бўйича мутахассис/маслаҳатчи, Иситиш муҳандислиги бўйича мутахассис (иссиқлик муҳандислик ҳисобини амалга ошириш қобилияти билан), Сметчик, Қайта тикланадиган энергия тизимларини лойихалаш бўйича мутахассис/маслаҳатчи (бўлса маъқулланади), Телекоммуникация ва симсиз алоқани лойихалаш бўйича мутахассис/маслаҳатчиларни борлиги	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
	Доимий асосда ишлайдиган камида 20 та малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика ҳисоботида асосан)	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
III. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 4 шакл						
1.	Молиявий имконият Объектнинг бурортмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % гача миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади)	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
2.	Ўртача йиллик айланма Сўнгги 3 йил ичида амалдаги /ёки тугалланган шартномалар бўйича олинган тасдиқланган тўловлар	Мавжуд/ Мавжуд эмас				

	Йиғиндиси сифатида ҳисобланган чиқарилган ўртача айланмаси 800 (Саккиз юз) млн. сўм					
3.	Камида 300,0 млн.сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари (расшифровкаси билан).	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
4	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*. 5-шакл						
1.	Общий опыт проектно-исследовательских работ Сўнги 3 йил ичида бош пудратчи, қўшма корхона (консорциум) ёки субпудратчи сифатида ушбу соҳасида тажрибаси (бир лойиҳа бўйича 500 млн. сўмдан кам бўлмаган ва ундан кўп) (тасдиқловчи ҳужжатлар билан)	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
2.	Махсус лойиҳа-қидирув ишлари бўйича тажрибаси. Шунга ўхшаш объект учун амалга оширилган 1 (бир) лойиҳа ва охириги 3 йил давомида ўтказилган танлов ҳажми 1 дона ва ундан кўп. (Жаҳон банки ёки бошқа халқаро молия институтлари томонидан молиялаштириладиган дастурларни амалга оширишда шу каби лойиҳаларда иштирок этиш қўшимча афзаллик ҳисобланади).	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
V. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган машина-механизм, зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати, 6-шакл						
1.	Иштирокчининг объектни лойиҳалашда фойдаланиладиган технологик асбоб-ускуналар, техник воситалар ва қурилмаларнинг мавжудлиги (ёки ижара, лизингга олинган), камида 18 бирлик, шундан 16 бирлақ рўйхат бўйича шахсий эгаллиги ШАХСИЙ: 1.Компьютер – 5 дона (AutoCAD, 3D StudioMax, Photoshop каби дастурлар ҳар бир компьютерда ўрнатилган бўлиши керак); 2. Плоттер – 2 дона; 3. Принтер – 3 дона; 4. Лазерли нивелир – 1 дона; 5. Теодолит – 1 дона; 6. Оптикали нивелир – 1 дона; ИЖАРА: GPS-техника – 1 дона; Электрон техномер – 1 дона.	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
2.	Лойиҳа қидирув ишларини олиб боришда камида 10 дона зарур бўладиган махсус асбоблар мавжудлиги	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
3.	Лойиҳа қидирув ишларини олиб бориш учун зарур бўлган синов ускуналари ва асбобларининг (шартнома) мавжудлиги.	Мавжуд/ Мавжуд эмас				
VI. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 7-шакл		Мавжуд/ Мавжуд эмас				
VII. Ҳужжатларни имзолаш ва тендерда иштирок этиш ҳуқуқи учун ишончнома. 8-шакл.		Мавжуд/ Мавжуд эмас				
Умумий натижа						

ИЗОХ: Офферент томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижасида Лидер Проф проект КМЖнинг 1-пакет техник таклифи бўйича:

1. Ўз ишлаб чиқариш базаси мавжуд эмаслиги,
2. етарли иш тажрибага эга олий маълумотли раҳбарлар мавжуд эмаслиги,
3. етарли асбоб-ускуналар мавжуд эмаслиги,
4. танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси, ичимлик сув объектлари лойиҳа-қидирув ишларини амалга оширишдаги иш тажрибаси 1 (бир) лойиҳа бўйича 300 (уч юз) млн. сўмдан кам бўлганлигини ва махсус лойиҳа-қидирув ишлари бўйича иш тажрибаси етарли эмаслигини инобатга олиб, ушбу иштирокчи тендер ҳужжатларининг талабларига асосан тендердан четлаштирилади